АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

2002 йил 12 ФЕВРАЛ сешанба
№ 6 (262)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

## ҲАЗРАТ НАВОИЙГА ЭҲТИРОМ

***Истиқлол йилларида неча минг йиллик тарихга эга миллий анъаналаримиз, бебаҳо қадриятларимиз қайта тикланди. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳазратларининг таваллуд кунлари юртимизда кенг нишонланиши, ул зотнинг руҳи покларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиши ҳам айни шундай анъаналар сирасига киради.***

Мана ўн бир йилдирки, қай фасл бўлмасин, улуғ шоир шарафига барпо этилган Миллий боғ мажмуи марказидаги бобокалонимиз ҳайкали пойидан турфа гуллар аримайди. Бу маскан янги ҳаёт йўлига қадам қўяётган ёш келин-куёвлар, ҳамшаҳарларимизнинг энг қадрли гўшасига айланган. Юртимизга келган энг мўътабар меҳмонлар ҳам пойтахтимиз билан танишишни улуғ мутафаккир ёдгорлигини зиёрат этишдан бошлайди.

9 февраль куни бу ерда эрта тонгданоқ шоир ғазаллари билан айтилувчи мумтоз қўшиқ ва мусиқалар янгради. Ушбу маскан шу куни жамоатчилик вакиллари, олимлар, зиёлилар, талаба ёшлар, пойтахтимиз меҳмонлари билан янада гавжумлашди. Беназир бобокалонимиз таваллудининг 561 йиллигига бағишланган тантанали маросимни Тошкент шаҳри ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, навоийшунос олима С.Ғаниева, Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари С.Саййид ва бошқалар Алишер Навоий номини элимиз асрлар оша қалб гавҳари янглиғ асраб-авайлаб келаётганини алоҳида таъкидлади. Айниқса, мустақиллик йилларида буюк бобомизнинг бой маънавий меросини ўрганишдек хайрли иш мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг доимий эътиборида бўлиб, бу эзгу юмушга давлат миқёсида аҳамият берилаётгани таҳсинга лойиқдир. Хусусан, ушбу йўналишдаги изчил бунёдкорлик ишларининг давоми сифатида ўтган йил бобомиз номи билан юритилувчи шаҳарда Алишер Навоийнинг улкан ёдгорлик мажмуи очилгани бунинг ёрқин исботидир.

Тантанали маросимда шоир ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

* * *

Шу куни байрам тадбирлари барча жойларда бўлгани каби пойтахтимиздаги "Шоирлар хиёбони", Мирзо Улуғбек туманидаги Алишер Навоий номидаги маҳаллада ҳам ўтказилди. Унда сўзга чиққанлар буюк давлатни барпо этишда ҳазрат Навоий улуғлаган инсонпарварлик, юртпарварлик ва тинчликсеварлик ғоялари халқимизга мадад бўлаётганини таъкидлади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**



*Адлия тизими*

## АНДИЖОН

**2001 йил давомида тадбиркорлар манфаатини кўзлаб, вилоят адлия бошқармаси томонидан хўжалик судларига 64 миллион 370 минг 865 сўмлик 19 та даъво аризалари киритилди. Ушбу даъво аризаларининг 8 таси бўйича 4 миллион 284 минг 864 сўмлик, 1 таси бўйича эса 1 миллион 651 минг 400 сўмлик қисми қаноатлантирилди. 20 миллион 304 минг 946 сўмлик 3 та даъво аризаси бўйича келишув битими тузилганлиги сабабли иш юритишдан тўхтатилди.**

**Фуқаролик ишлари бўйича судларга жами 129 миллион 120 минг 79 сўмлик 59 та даъво аризалари киритилган. 76 миллион 48 минг 609 сўмлик 42 даъво аризаси тўла қаноатлантирилди. Шу жумладан, 62 миллион 720 609 сўм моддий зарар ва маҳсулот ҳақи жарималар билан қўшилган ҳолда ундирилган. Жами ундирилган маънавий зарар 13 миллион 328 минг сўмни ташкил этади. 32 миллион 424 минг сўмлик 2 та даъво аризаси киритилган бўлиб, унинг 5 миллион 620 минг сўмлик қисми қаноатлантирилди.**

**200 минг 970 сўмлик даъво аризалари бўйича ишлар суд жараёнида низо ҳал этилганлиги сабабли суднинг ажримига асосан ҳаракатдан тўхтатилган.**

* * *

**Адлия бошқармаси Тошкент шаҳар хўжалик судига Асака шаҳридаги "Турон ЛТД" фирмаси манфаатини кўзлаб, Асака паррандачилик фабрикасини сотиб олиш ҳақида Давлат Мулк қўмитаси билан мазкур фирма ўртасида тузилган 123 миллион сўм ва 60 минг АҚШ доллари миқдоридаги шартнома шартларини ўзгартириш юзасидан даъво аризаси киритди.**

**Мазкур даъво аризаси хўжалик судида тўла қондирилди. Унга кўра, 60 минг АҚШ доллари давлат курси бўйича сўмга ўзгартирилиб, тадбиркор фойдасига 90 миллион сўм фойда келтирди.**

* * *

**Балиқчи туманидаги "Раҳматилло" фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, Избоскан туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига адлия бошқармаси мутахассислари томонидан киритилган даъво аризасига кўра, "Шераличек" ширкат хўжалигидан 1 миллион 210 минг сўм маҳсулот ҳақи ундириб берилди. Шунингдек, шартнома талаблари бузилганлиги учун 181 минг 500 сўм жарима ва 605 минг сўм устамани фермер хўжалигига ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Ғ.Аҳмаджонов ва бош ҳисобчи Р.Солиевлардан солидар тартибда фермер хўжалиги бошлиғи И.Жўраевга 25 минг сўм маънавий зарар, жами 2 миллион 21 минг 500 сўм ундириб берилди.**

## САМАРҚАНД

**Вилоятда 24 минг 886 та давлат рўйхатидан ўтказилган хўжалик субъектлари мавжуд. Уларнинг 23006 таси кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларидир. Агар қишлоқ хўжалигида 7 минг 709 та фермер хўжаликлари бўлса, деҳқон хўжаликлари сони 788 тани ташкил этади.**

* * *

**Вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтган йилда хўжалик судига 225 миллион 693 минг 211 сўмлик дебиторлик қарзларни ундириш бўйича 452 та даъво аризалари киритилди. Шуларнинг 446 таси суд қарори билан қаноатлантирилган.**

* * *

**Фуқаролик ишлари бўйича судига шартномага асосан топширилган маҳсулотлар учун 20 миллион 125 минг 386 сўмлик маҳсулот ҳақи, 471 минг 151 сўмлик моддий ва 1 миллион 586 минг сўмлик маънавий, жами 22 миллион 182 минг 537 сўмни ундириш тўғрисида 39 та даъво аризаси киритилди. Ана шу даъво аризаларининг 12 таси моддий ва маънавий зарарларни ундириш, даъво муддатини тиклаш, ерни олиб бериш ҳамда мулкка эгалик ҳуқуқини тан олиш тўғрисидадир.**

* * *

**Адлия бошқармаси аралашуви билан йил давомида 12 нафар мансабдор шахс моддий ва маънавий жавобгарликка тортилди. Улардан 1 миллион 136 минг сўмлик маънавий ва 471 минг 151 сўмлик моддий зарар ундирилди.**




***Вазирлар Маҳкамасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.***

* * *

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида прокуратура органларининг мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги 2001 йилги фаолияти якунлари ва галдаги вазифаларига бағишланган кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.*

* * *

***Тошкент шаҳрида Япония ҳукумати ёрдами билан таъмирланган 191-ўрта мактабнинг расмий очилиш маросими бўлди.***

* * *

*Қўқон шаҳрида ташкил этилган "Кофра" қўшма корхонаси Ўзбекистон билан Франция ўртасида ривожланиб бораётган ҳамкорликнинг амалдаги кўринишларидан бири бўлди.*

* * *

***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида "Ўзбекистонда суд ва ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш" мавзуидаги конференция бўлиб ўтди.***

* * *

*АҚШнинг Гуантанамо (Куба)да жойлашган ҳарбий денгиз базасига "Ал-қоида" экстремистик гуруҳи ва "Толибон" ҳаракатига қарашли асирларнинг янги гуруҳи олиб келинди.*

* * *

***Жаҳон банки СПИДга қарши курашиш учун Африка давлатларига 500 миллион АҚШ доллари ажратишга қарор қилди. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур минтақага бу касаллик жиддий хавф солмоқда.***

* * *

*Покистон Президенти Парвез Мушарраф Америка Қўшма Штатларига келди. Унинг АҚШ Президенти Жорж Буш билан учрашуви режалаштирилган.*

*Ҳуқуқий маърифат*

## МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

***Бугун истиқлолнинг эркинлик сиёсати туфайли инсон шаъни, қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланар экан, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини турли тўсқинликлар ва ҳуқуқбузарликлардан қонунларда белгиланган турли усуллар билан ҳимоя қилиши лозим. Бундай усуллар қонунда белгиланган тартибда давлат органлари, мансабдор шахсларга тааллуқлилигига қараб шикоят ва ариза бериш йўли билан амалга оширилади, жумладан, ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини бузган шахс устидан маъмурий тартибда юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят ва ариза билан мурожаат қилиши билан бузилган ҳуқуқи ҳамда қонуний манфаатини тиклаб олиши мумкин.***

Мазкур Конституцивий меъёрларнинг ишлаш механизми 1995 йил 30 августда **"Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"**ги Қонунда ўз ифодасини топган.

Бу қонун суд ҳокимиятини янада мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, шу билан бирга фуқаролар, давлат органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказувчи хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга мурожаат қилиш билан боғлиқ ҳуқуқлар доирасини сезиларли даражада кенгайтиришга асос бўлди.

Фуқаролик-процессуал Кодексининг 269-моддаси 1-қисмида ҳам бу қоида ойдинлаштирилди: **фуқаро ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарор) устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибида юқори органга, мансабдор шахсга мурожаат қилишга ҳақли".**

Демак, фуқароларнинг давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш институти Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар ҳамда меъёрий актларда мустаҳкамланиб қўйилган.

**"Судлар тўғрисида"**ги, **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги, **"Олий Мажлисга сайлов тўғрисида"**ги, **"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"**ги ва бошқа бир қанча қонунлар шулар жумласидандир. Масалан, **"Олий Мажлисга сайлов тўғрисида"**ги Қонуннинг 32-моддасида Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси сайловчилар рўйхатидаги хато ва ноаниқликлар тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилишлар мумкин деб кўрсатилган. Бу меъёрга кўра сайловда иштирок этган ҳар бир фуқарога ўзининг рўйхатдаги фамилияси, исми тўғри ёки нотўғри рўйхатга киритилганлиги билан танишиб чиқишга ҳақли. Агар фуқаро ўзининг сайловчилар рўйхатига киритилган фамилиясидаги хато ва ноаниқликлар аниқласа, дарҳол бу тўғрида участка сайлов комиссиясига арз қилиши ва унда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, манфаатдор шахсга сайлов комиссиясининг ноқонуний хатти-ҳаракати ёки қарори устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Умуман олганда, фуқароларнинг давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг ноўрин хатти-ҳаракатлари, ноқонуний қарорлари устидан берилган шикоятларнинг мазмун-моҳиятига эътибор берилса, улар турли хил мазмундаги шикоятларни ташкил қилади. Улар юқорида баён этилганидек, турли органларда турлича ҳал этилади.

Фуқаролик ишларини судда кўришда фуқароларнинг тегишли орган ёки мансабдор шахс устидан берилган шикоятлар ичида энг кўп учрайдиган тури бу — фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан берилган шикоятлар ҳисобланади, чунки бундай ишлар кўп ҳолларда уларни турли ҳуқуқий муносабатда бўлишлари билан боғлиқдир.

Баъзи ҳолларда судга шикоят билан мурожаат этилганда иш низоли бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда судья шикоятни қабул қилиш билан уни кўрмай қолдириши тўғрисида ажрим чиқариши ва умумий тартибда даъво қўзғатишни таклиф қилиши қонунда ўз ифодасини топган.

Масалан, А. исмли фуқаро катта кўчада йўл қоидаларига риоя қилиб ўз автомашинасини бошқариб келаётганда, давлат автомобил назорати ходими уни тўхтатади. ДАН ходими фуқаро А.га кўча ҳаракати қоидаларига риоя қилмаганлигини важ қилиб, катта миқдордаги жарима солади.

Фуқаро А. ўзининг ҳеч қандай айби йўқлигини ва бу жарима асоссиз эканлигини билиб, ДАН ходимининг мансабдор шахсига сабабларини кўрсатган ҳолда шикоят билан мурожаат этади. ДАН инспекцияси бошлиғи бу шикоятни ўрганиб чиқиб, унинг шикоятини рад этади. Ана шу вақтдан бошлаб фуқаро А.да судга ўзи ҳуқуқининг бузилганлигини ва ғайриқонуний қарорни бекор қилишни сўраб, туманлараро судга мурожаат этиш ҳуқуқи пайдо бўлади.

(Давоми учинчи бетда)

## КРЕДИТ ОЛИШ ОСОНМИ? УНИ ҚАЙТАРИШ-ЧИ?

### ДАВРА СУҲБАТИ

Кредит маблағларининг кўплиги юрт қудрати ва салоҳиятидан дарак беради. У тараққиётга элтувчи энг муҳим омилларнинг ҳам биридир. Мамлакатимиз раҳбарияти тараққиётнинг ана шу қудратли манбаини тўла ишга солиш соҳасида стратегик тадбирларни амалга ошираяпти. Истиқлол йилларида кредит ва кредитлаш масалалари юзасидан қатор қонун ҳужжатлари, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинганига ҳар биримиз гувоҳмиз.

Кредит ва кредитлашга доир қонунлар, бошқа тегишли ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар ижтимоий-иқтисодий турмушни барқарорлаштиришга ишончли кафолат беради.

Мазкур қонунлар, Президентимиз Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини таъминлаш борасида Хоразм вилоятида қандай тадбирлар амалга оширилаяпти? Натижалардан қаноат ҳосил қила оламизми? Ютуқларни кўпайтириш, тажрибаларни оммалаштириш, муаммолар, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, кўламдор режа ва вазифаларни уддалаш соҳасидаги саъй-ҳаракатлар, уларнинг мазмун ва моҳияти нималардан иборат?

Шу маънода таҳририят ташаббуси билан Хоразм вилояти адлия бошқармасида "Кредит олиш осонми? Уни қайтариш-чи?" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Қуйида ана шу давра суҳбатининг тафсилотларини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

(Давоми иккинчи бетда)

*Мулоҳаза, мушоҳада, таклиф*

## ...БОШ ПУДРАТЧИ КЕРАКМИ?

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан аҳоли турмуш даражасини оширишга жиддий аҳамият берилмоқда. Агросаноат соҳасини барқарор ривожлантириш йўллари аниқ белгилаб олинган. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қабул қилинган ана шундай қонун ҳужжатларидан бири **"Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"**ги Қонундир.

Хўжалик юритишнинг қишлоқ хўжалик кооперативи — ширкат хўжалигида ички хўжалик юритиш механизми қонун талаблари даражасида йўлга қўйилса, ширкат аъзоларига асосий воситалар пай улуши сифатида бўлиб берилса, жорий қилинган оила пудратида ҳисоб-китоб ишлари чек тизимида юритилса, деҳқон меҳнати ҳеч қачон бесамар кетмайди. Бундай ҳолда пудратчи звено аъзоларида ерга, мулкка, етиштирилаётган маҳсулотга нисбатан эгалик ҳисси кучаяди. Эгалик ҳиссининг кучайиши деҳқоннинг ортиқча харажат тортишига барҳам бериб, етиштирилган маҳсулотни четга торткилаб кетилишининг олдини олади. Минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш материалларини кимларнингдир манфаати учун сарф қилинишидан сақлаб қолади. Қонун ҳамма учун бирдек даҳлдор. Унга қатъий амал қилган ҳеч қачон кам бўлмайди. Аксинча, фақат муваффақият сари юз тутади.

**"Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддасида "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун пай усулига ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектлар"** эканлиги қайд қилинган. Шунга асосан мазкур қонунда бригада бошлиғи штати кўзда тутилмаган. Рост-да, ширкат хўжалик бошқаруви билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича шартнома тузиб, оила пудрати асосида чек тизимида ишлаётган пудратчига ортиқча нонга шерикнинг ҳожати йўқ. Мазкур қонун амалга киритилганига ҳадемай тўрт йил тўлади. Ширкат хўжаликлари бошқарув раҳбарлари дастлаб янги иш усулида иш бошлаган пайтларда "Бригада бошлиғи лавозимлари вақтинча, одамлар ишни бошқаришни ўрганиб олишсин, кейин бу штатлардан воз кечамиз" дейишганди. Уч-тўрт йил ўтса-да, ана шу ваъда унутилмоқда.

Вилоят адлия бошқармаси Пастдарғом (собиқ Гўзалкент) туманидаги "Беш қаҳрамон" ширкат хўжалигида чек тизимининг жорий қилиниши ва ҳисоб-китобларнинг амалдаги тартибга мос ҳолда юритилиш аҳволини ўрганганда, юқоридагидек ҳолга дуч келди. Бу ерда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлда қабул қилинган **"Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга оид қонун ҳужжатларига қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тузиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги 299-сонли қарорининг ижросини амалга оширишда ташкилий ҳуқуқий жиҳатларга масъулиятсиз билан ёндошилган. Мавжуд 81 та оила пудратчилари 6 та бригадага бирлаштирилиб, бригадалар ташкил этилган.

Бажарилган ишлар ва сарф-харажатларни ҳисоб-китоб қилиш, чек дафтарчалари юритиш, ҳисоботни хўжалик молия ва ҳисоб марказига топшириш ҳар бир пудратчининг вазифаси. У сув, ўғит, техника, иш ҳақини ўзи ҳисоб-китоб қилмоғи керак. Мазкур ширкат хўжалигида эса аслида ана шу юмушлар бригада бошлиғи орқали амалда бажарилган. Қонунга хилоф томони бригада бошлиқларига пудратчиларнинг даромади ҳисобидан иш ҳақи берилмоқда. Ўтган йилнинг саккиз ойи мобайнида ширкат хўжалигининг олти нафар бригада бошлиғига 291 минг 120 сўм меҳнат ҳақи тўланган.

Шунингдек, Булунғур туманидаги "Булунғур" ширкат хўжалигида ҳам юқоридагидек салбий ҳолатлар рўй берган. Ўтган бир йил давомида ширкат хўжалигининг 13 нафар бригада бошлиғига пудратчилар ҳақидан 1 миллион 92 минг сўм иш ҳақи ҳисобланибди. Энди ўзингиз айтинг, агар бригада бошлиқлари оладиган ана шу 1 миллион 92 минг сўм иш ҳақи пудратчи звеноларнинг ўзларига берилса, уларнинг моддий манфаатдорлиги кескин ошарди. Ишга муносабати янада ўзгарарди.

Шундай эмасми?

Жойларда бўлганимизда сувни пудратчиларга навбат билан тақсимлаб бериш, минерал ўғит тарқатиш, нами меъёрига келган далага чопиқ тракторини жалб этиш ишлари билан бригада бошлиғи, яъни бош пудратчи шуғулланишини айтишди. Халқимизнинг "Минг ишчига бир бошчи" нақлини рўкач қилишди. Лекин кузатиш ва таҳлиллар шуни кўрсатаётибдики, бригада бошлиғи мавжуд ширкат хўжалигида ривожланиш ўрнига оқсоқлик кўзга ташланади.

Нега шундай?

Бунинг бир қатор сабаблари бор. Бригада бошлиғи нечта қўл остида пудратчи звено бўлса, ҳаммасининг чек дафтарчаларини бир хил юритади. Ҳисоб-китоб эгиз бўлгач, эртадан-кечгача далада ишлаган ҳам, номига ишга бир кўриниб келган ҳам йил якунида бир хил даромад олади. Ҳар ойда аввалдан бериб бориладиган аванс пули ҳам шундай.

Яна бир мулоҳаза. Бригада бошлиғи — бош пудратчи ишлаётган ширкат хўжаликларида пудратчилар ҳар бири ўзининг даласида алоҳида-алоҳида ишлаётганлигини баъзан учратмайсиз. Улар бугун бу далада бўлса, эртага унисида жамоа бўлиб ишлашади. Бундан эса ислоҳот талаб қилаётган "менинг далам, менинг ерим" туйғуси сустлашмайдими? Чунки пудратчилар биргаликда меҳнат қилгач, улар ўртасида бошқаларга нисбатан яхшироқ ишлаб, юқори ҳосил олиш, меҳнат орқасидан моддий манфаатдорлик ошиш туйғуси узоқлашмаслигига ким кафиллик бера олади?

Қишлоқда фермерлик ҳаракати мулкдорлар сафининг ортишига йўналтирилган. Биз бу билан ширкат хўжалигида пудратчи звено бўлиб ишлагандан фермер хўжалиги тузилгани яхши, деган фикрни олға суриш ниятимиз йўқ. Бор гап шундаки, агар фермер ғалла майдонининг ҳар гектаридан 50-60 центнердан ҳосил олса, бир ариқдан сув ичган бош пудратчи, етакчи пудратчилар камдан-кам ҳоллардагина уларга тенглаша оладилар. Сабаб: бу ерда эга кўп. Юқори даражада ҳосил олинмаётганлигининг бир томони эски иш услубидан воз кечилмаётганлиги билан изоҳланса, тўғрироққа ўхшайди.

Бор ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Айрим ширкат хўжаликларида бригада бошлиғи пудратчининг чек дафтарчасини юритишга аралашмайди. Барибир у пудратчининг ҳисобидан маош олиши қонунчиликка зид-ку?

Энди "Бош пудратчи керак, усиз ширкат хўжалигида ишни юритиб бўлмайди" деган фикрга тўхталайлик. Бу борада янгидан Америка кашф қилиш шарт эмас, назаримизда. Минерал ўғитларни пудратчи звеноларга агроном тақсим қилса. Звено бошлиғи даласи ва ўсимлик ҳолатига қараб, унга буюртма берса. Сувни навбат билан олишни эса пудратчилар ўзларининг орасидан жамоат иши сифатида бир кишига беркитиб қўйишса, нега бўлмайди? Техника воситалари билан боғлиқ ишларни ширкат хўжалиги техника парки пудратчи звено билан чек асосида бажарса, бош пудратчи лавозимини қонунга хилоф тарзда сақлаб туришга ҳожат бормикин?

**Фахриддин МУҲАММАДИЕВ,**
**ҳуқуқшунос,**
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

